

МАДАНИЯТ

№30 (165) 29.07.2021 йил

Токио - 2020

Илк олтин медаллар учун ташаккур!



Пандемия сабабли қолдирилган Токио - 2020 - ёзги Олимпия ўйинларига ниҳоят, 2021 йилнинг 23 июлида старт берилди. Ҳамон давом этаётган карантин қула-ри туфайли томошабинларсиз бошланган мусобақаларни олам аҳли ойнаижаҳон, интернет орқали катта қизиқиш билан кузатмоқда. Унда Ўзбекистондан 17 спорт тури бўйича жами 71 нафар спортчимиз қатнашиш йўлланмасини олган эди. Дунёнинг 207 мамлакатидан 11 минг 300 спортчи иштирок этаётган Олимпиада мусобақаларида мухлислар кутган натижага эришиш ҳам осон эмас. Ушбу мамлакатларнинг энг сараланган спортчилари билан бахшлашиш масъулияти нақадар кучли эканини ҳар биримиз яхши тушуниб турибмиз. Шундай бўлса-да, илк натижалар, ғалабалар ватандошларимиз қалбини чексиз ғурур-

ифтихорга тўлдирди. Олимпиаданинг очилиш маросимида байроқдорлик ишониб топширилган умидли спортчиларимиз - боксчи Баҳодир Жалолов ҳамда таэквондо бўйича энг кучлилардан саналган Нигора Турсункулова кўтарган муаззам байроғимиз ортидан қатъият, шаҳдам қадамлар билан майдонга кириб келаётган спортчиларимизга боқиб вужудимизни чуқур ҳаяжон, айни пайтда умид ва ишонч туйғулари қамраб олгани рост. Улар орасида Ўзбекистон спортини жаҳонга намойиш этиб келаётган Оксана Чусовитина, Денис Истомин, Элнур Абдураимов, Дилшод Рўзметов каби чемпионлар, машхур

спортчиларимиз ҳам бор...

Мусобақаларнинг иккинчи кунда таэквондоchi Улуғбек Рашидов эришган ғалаба ҳамюртларимизга чексиз қувонч бағишлади. 19 ёшли Улуғбекка топширилган олтин нишон ўзбекистонлик спортчиларнинг медаллар бўйича рейтингини 11-ўринга олиб чиқди. Энг асосийси, ўзбек таэквондочилари ҳали бундай ғалабани қўлга киритишмаган эди. Уни олимпиада чемпиони бўлган 9-ўзбекистонлик дея таъкидлашлари бежиз эмасди. Юртдошларимизни беҳад қувонтирган яна бир ғалабани бокс бўйича олимпиада чемпиони бўлган биринчи ўзбек қизи Турсуно Раҳимова қўлга киритди. Умуман олганда босчиларимиз дастлабки мусобақаларни ғалаба билан бошлаганини таъкидлаш керак.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Делегациямиз Анқарада

4-саҳифада >>

Маданиятми ёки маънавият?!

5-саҳифада >>

Қирқ беш кун

6-саҳифада >>



Водил - "Очиқ юрак" ўлкаси

8-саҳифада >>

>> Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги олдидан

Миллат ва тил танламайдиган мўъжиза

Оҳанг ва қалб уйғунлиги, кўз, қош, кўйинги, ҳар бир ҳаракатдаги яширин маъно. Гоҳида шодлик, гоҳида қайғу, баъзида бахт ва баъзида айрилик ифодаси. Дилларни сел қилгучи маҳорат. Истеъдод ва ижрочининг ўзига хос услуби эса томошабинни маҳлиё этади. У ҳамма учун тушунарли, ҳиссиётларга бой, миллат ва тил танламайдиган мўъжиза...

Сўз халқнинг миллий маданиятини жаҳонга танитадиган рақс санъати ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Айтишларича, у даставвал калом ва оҳангга боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат тури сифатида шаклланган.

ЎЗБЕК РАҚСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

XX асрда ўзбек миллий рақс санъати замонавий сахна санъати талаблари асосида қайта ишланиб, анъанавий ва замонавий рақс услубларини ўзаро уйғунлаштирган ҳамда байрам ва маросимлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди.

Элга танилган Уста Олим Комилов ва Тамарахоним Фарғона, Исохор Оқилов Бухоро, Гавҳар Раҳимова Хоразм халқ сахна рақси мактабларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардир.

Йиллар давомида бир нечта ривожланиш босқичларини босиб ўтган, ўз шакл-шамойили

ва мазмунига эга ўзбек миллий рақси ўтган асрда жаҳонга танила бошлади. Бу давр Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Кундуз Миркаримова каби маҳоратли раққосаларни кашф қилди. Ўзбек миллий рақси жозибаси билан кўплаб мухлислар ортти-ра бошлади.

Давоми 3-саҳифада >>



Донолар сўзлайди...

Ўз миллатининг тилини, урф-одатларини, турмуш тарзини билмайдиганларнинг бахти нуқсонлидир.

А.Қосимов

Илм шундай юкки, у қанчалик кўпайса, уни кўтариб юрган одамнинг қадам ташлаши шунчалик енгиллашиб боради.

Т.Маҳмудов

Ҳар ким нима учун туғилган бўлса, уша юмуш билан шуғулланганлиги энг оқилона ишдир. Кимки узоқ ўйлар экан, ҳамма вақт ҳам туғри ечимни топавермайди.


Гёте

Кабул - 2021

Имтиҳонлар шаффоф ўтказилади

Жорий йилнинг 28 июль кундан Ўзбекистон давлат консерваториясига кириш имтиҳонлари бошланди. Шу муносабат билан Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов Консерваторияда бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар ҳамда ижодий имтиҳон жараёнлари билан яқиндан танишди. Кайд этиш лозимки, 2021-2022 ўқув йили учун бўлиб ўтадиган кириш имтиҳонлари қатъий назорат остида ўтказилади. Мазкур

жараёнда ҳолислик ва шаффофликни таъминлаш борасида олий таълим муассасаси маъмурияти томонидан барча тегишли чоралар кўрилган. Шунингдек, кириш имтиҳонларини konservatoriya.uz сайти орқали онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти ҳам яратилган. Эслатиб ўтамай, кириш имтиҳонлари карантин талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўтказилади.



Давоми. Боши 1-саҳифада



Илк олтин медаллар учун ташаккур!

Оғир атлетикачи Муаттар Набиевнинг даст кўтариш машқи бўйича олимпиада рекордини ўрнатгани ўзбекистонлик Ойбарчин қизларнинг куч-қудратини намойиш этди. Бироқ яқинда бронза медали учун бир килограмм етмай қолгани ачинарли бўлди. Очиги, олимпиада мусобақаларини биринчи куннинг ўзидаёқ яқунлаган спортчиларимиз ҳам бўлди. Лекин 8 августгача давом этадиган мусобақалардан умидимиз катта. Шу ўринда Сидней – 2000 Олимпиадаси чемпиони, ўзбекистонлик машҳур боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг “ғалаба” сўзига берган таърифини келтириш ўринлидир. Зеро, оламшумул аҳамиятга эга бўлган мусобақаларда қатнашшининг ўзи бир шараф: “Олдинлари чет элликлардан кўрқиб рингга чиқардик, энди бутун дунё биздан кўрқиб жангга тушяпти. Ўйлайманки, шунинг ўзи катта ғалаба”. Яъни спортчиларимиз лаёқатини, жисмонан етуклик маданиятини, айниқса, сўнгги йилларда тан олишга тгани сир эмас.

Машҳур боксчимиз айтганидек, ҳар бир иштирокчи “Ватаним учун, халқим учун, ота-онам учун, она юрт учун” дея бахсларга киришиши керак. Бунинг учун спортчиларимизда юксак маънавият, маданият каби фазилатлар етарли деб ўйлайман. Уларга 46 ёшида ҳам (8-бор) Олимпиадада қатнашиб ватан шарафини ҳимоя қилишга интилган, умумжаҳон чемпионатида учта олтин, тўртта кумуш, тўртта бронза медалларни қўлга киритган Оксана Чусовитина, “Осиё йўлбарси” Руфат Рискиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Денис Истоминларнинг спортга бўлган бекиёс муҳаббати, ватанига бўлган садоқати ибрат бўлиши керак. Биз Токио – 2020 ёзги Олимпиада мусобақаларида шундай садоқат билан қатнашаётган, Ўзбекистонимиз довругини оламга таратаётган спортчиларимиздан миннатдоримиз, улар билан фахрланамиз. Барчангизга омад ёр бўлсин, азиз юртдошлар!

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Маданият вазири

Қалбимизда абадий яшайди

Устозни хотирлаб...

Жорий йилнинг 23 июль кунини эрталаб, ишга кетаётиб касбдошимдан телефон орқали “Ўзбекнаво” эстрада филармонияси кўп йиллар бошқарган ва Ўзбекистон Маданият вазириликнинг Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори лавозимида фаолият юритиб келган, сиёсий фанлар номзоди, профессор Азамат Ҳайдаров оғир хасталик сабаб бу ёруғ оламни тарк этгани ҳақидаги хабарни эшитдим. Ва ҳудди ўз яқин инсонларимдан бирини йўқотгандек оғир ҳолатга тушдим.

Чунки бу инсон анча йиллар олдин “Ўзбекнаво” эстрада филармониясида 5 йил давомида бизга устозлик қилган, талабчан, қаттиққўл, кези келганда меҳрибон раҳбар сифатида кўнгилмиздан жой олишга улгурган эди. Бугун у кишини хотирлар эканман, кўз ўнгимдан устоз билан боғлиқ воқеалар бирма-бир ўтаверди. Устозда жуда кўп инсоний хислатлар, фазилатлар бор эди. Агарда уларнинг меҳнат фаолиятимиз билан боғлиқ жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, буни биз каби шоғирларнинг барчаси тасдиқлаши мумкин. Масалан, ишхонада ходимларнинг бирор бир шахсий муаммоси борлигини билиб қолса, дарҳол унга шахсан ўзи бошқош бўлиб, токи бунга қандайдир ечим топмагунча қўймамасди. Ма-

бодо шу каби зарурат юзасидан бир кунга жавоб сўрасангиз, бу муддатда ишларингизни ҳал қилишга улгурмай қолишингиз мумкинлигини билиб, уч кунгача руҳсат берарди. Кейин доимо ходимларга “Қачонки, оиланг ва уйинг тинч бўлсагина, ишингда унум ва барака бўлади”, деган гапни такрор-такрор айтишдан чарчамасди.


Бундан ташқари, устоз лавозимидан қатъи назар ҳар бир ходимнинг ишчанлик лаёқатига муносиб баҳо бера олар, чин дилдан меҳнат қилгани юксак қадрлар ҳамда уни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиларди. Лозим топилса, ҳар

ойда мукофотлашга ҳам интиларди. Бир сўз билан айтганда, Азамат Ҳайдаров ишхонада самарали меҳнат муҳитини яратган олган раҳбар эди. Шу жиҳатдан биз устоздан жуда кўп на-

саларни ўргандик. Эътиборлиси, бу инсон нафақат инсонийлик фазилатлари, балки соҳанинг сир-асрорларини пухта билидиган мутахассис сифатида ҳам жуда катта ҳурмат қозонган эди. Жумладан, “Ўзбекнаво” эстрада филармонияси раҳбарлик чоғлари бирлашгани ривожлантиришга доир қарорлари, уни республика миқёсида нуфузга юксалтиришга оид ишлари санъат соҳаси вакиллари томонидан муносиб эътироф этилди. Шунингдек, бирлашмадаги ижодий жараёнларни шакллантириш ва уни оммалаштиришда ҳам устознинг меҳнати яққол намоён

бўлган. Буни биргина у асос солган ва ўша кезларда мунтазамлик касб этган “Қалбимизда Ватан мадҳи”, “Марди-майдон” каби жонли ижродаги кўрик-танловлар мисолида ҳам айтишимиз мумкин. Зеро, мазкур янги лойиҳалар орқали қўллаб-ёш истеъдодлар кашф этилиб, катта саҳналарга чиққани, нуфузли тадбирларда иштирок этгани бугун ҳам санъаткорлар томонидан эътироф этиб келинади. Азамат Ҳайдаров улуг, муборак Қурбон ҳайитининг сўнгги кунларида бу фоний дунёни тарк этди. Ўзига хос феъли, очик қалб ва очик кўнгилли устознинг хотираси биз шоғирлар қалбиде абадий яшайди.

Эшқул ҲАКИМОВ,
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси масъул ходими



Танқид ва таҳлил

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг “Маданият вазирилик тизимидаги ташкилот ва муассасаларни комплекс ўрганиш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан ташкил этилган ишчи гуруҳи вилоятларда бўлиб, ўрганиш ва таҳлил ишларини олиб бормоқда. Навбатдаги манзил эса Бухоро вилояти бўлди.

Ишчи гуруҳи Бухорода

Маданият вазириликнинг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов раҳбарлигида вилоятда олиб борилган ўрганиш ва таҳлил ишлари юзасида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Ботир Шахриёров иштирок этди. Муҳокамада соҳада яратилаётган имкониятлар ва келгусидаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маълумки, Бухоро вилоятида жами 107та маданият ва санъат муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 2405 нафар ходим фаолият юритади.


Йиғилишда маданият бўлимлари ва марказлари, таълим муассасалари, театрлар, концерт-томоша фаолияти, кадрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ижро интизоми билан ишлаш борасидаги хатою камчиликлар танқидий муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоятдаги 8- ва 12-болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорларига “ҳайфсан”, 13-БМСМ раҳбарига огоҳлантириш берилди.

Бундан ташқари, Бухоро, Жондор, Ромитон, Пешку ва Қорақўл туманлари ҳамда шаҳар маданият бўлими мудирилари, туман (шаҳар) маданият маркази директорлари ва бош мутахассисларига ҳам “ҳайфсан” эълон қилинди.


Вилоят маданият бошқармаси таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассиси, маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича бўлим бошлиғи ҳамда ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш сектори мудири огоҳлантирилди.

Йиғилиш якунида фаолияти қониқарли деб топилган вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Аъзам Ҳайдаровга ноутбук топширилди.



Янгилик

Кимлар ўқишга тавсия этилиши мумкин?



Давлат қабул комиссияси қарори билан жорий йилда ҳам иқтисодиёт тармоқларида камида 5 йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртки ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга руҳсат берилди. Бу ҳақда "Xushnudbek.uz" канали хабар бермоқда.

Шунингдек, тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлган вазирилик, идора ва йирик ҳўжалик бир-

лашмаларининг рўйхати тасдиқланди (жами 71 та ташкилот).

Рўйхатдаги ташкилотлар 100 нафаргача ҳодимга тавсиянома бериши мумкин.

Тавсияномани шахсан биринчи раҳбар бериши керак. Масалан, маданият муассасасида ишлаётган ҳодимга тавсияномани Маданият вазири Озодбек Назарбеков беради.

Сиртки таълим шакли учун 5 йил, кечки таълим шакли учун 4 йил ўқилади.

Суҳбат асосида талаба бўлган ҳодимларнинг тўлов-шартнома маблағлари ишлаб турган ташкилот томонидан тўлаб берилди.

5 йил стажга эга бўлган ва ташкилотнинг биринчи раҳбаридан тавсиянома олган талабгорлар Давлат тест марказининг веб-сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтади.

Онлайн рўйхатдан ўтказиш 2021 йил 5 августдан 25 август кунни соат 24:00 га қадар амалда оширилади.

Миллат ва тил танламайдиган мўъжиза

Мустақиллик даврига келиб рақс санъатига катта эътибор қаратилди. Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" ижодий бирлашмаси ташкил этилди. Аммо йиллар силсиласида унинг қадр-қиммати тушиб борди. Нега? Чунки соҳани ривожлантириш учун аниқ механизм яратилмаган, унинг истиқболлини белгилаб берувчи режалар тузилмаганди. Натижада инсонга эстетик завқ берадиган, жўшқинлик улашадиган, ўйлашга ундайдиган санъат тури деярли тараққий этмай қолди, халқаро миқёсдаги тарғиботида узилдишлар кузатилди.

ТИЗИМДАГИ МУАММОЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда маънавият, маърифат, маданият ва санъатга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Давлат раҳбарининг ўзи ушбу соҳаларда йиғилиб қолган муаммолар, аччиқ ҳақиқатлар ҳақида очиқ-ойдин гапирди. Жамият дунёқараши, дидини юксалтиришда муҳим роль ўйнайдиган жаҳонларда қотиб қолган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ечимлар ўртага ташланди, топшириқлар берилди. Президентимизнинг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари шу каби муаммолар ечимида аниқ муддао бўлди. Ҳар иккала қарорда халқимизнинг маънавий бойлиги — рақс санъатини ривожлантириш, жаҳон маданиятида тугган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, унинг янгидан-янги миллий намуналарини яратиш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплашда мазкур қарорлар дастуриламал бўла олади. Очигини айтганда, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг маданий ҳаётимиздаги ўрни, обу-этибори ва таъсири йўқолиш арафасида турганди. Таълим даргоҳи замон талабларидан анча орқада қолиб кетди. Ўқув ва амалий жараён соҳанинг ўзига хос хусусиятлари



асосида тўғри ташкил этилмаслиги, ўқув дастурлари ва методикасининг мукамал эмаслиги, дарслик ва кўлланмалар этишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодий ҳодимлар салоҳияти талабга жавоб бераётганлиги огриқли масала бўлиб турарди.

Шу боис, Президентимиз қарори билан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилди. Академия учун замонавий ўқув биноси ҳамда талабалар турар жойи қурилиб, шахсан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан тантанали тарзда очиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда олдимизда турган вазифалар талайгина. Яъни кадрлар тайёрлаш жараёнига соҳанинг етуқ ва малакали мутахассисларини жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқотлар натижаларини бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, талаба-ёшларни кўллаб-қувватлаш мақсадида махаллий ва халқаро грантлар асосида уларнинг хорижда таълим олиши, илмий-ижодий ишлар олиб боришини самарали йўлга қўйишни режалаштиришимиз. Ҳамкорликдаги концерт дастурларини ташкил этиш, кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятини янада ривожлантириш, иқтидорли талаба-ёшларни ушбу

йўналишга кенг жалб этиш, соҳа мутахассисларини хорижий турдош олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, стажировка ўташ тизимини ташкил этиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот муассасалари базаларида ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотларида тизимли равишда қисқа ва узоқ муддатли амалиётларни ташкил этиш каби ишларни бажаришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз.

Эндиликда узлуқсиз таълим тизими жорий қилинган. Республикаимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида хореография санъатидан дарс бериш учун алоҳида ўринлар ажратилган. Кейинчалик эса рақсга қизиқувчи барча ёшлар мактаблар ва бизнинг рақс академиямизда таълим олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Мазкур соҳада яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, қизгин жараёнлар давом эттирилмоқда.

Жаҳондаги илғор тажрибаларни атрофлича ўрганган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнининг илмий-педагог кадрлари таркибини асосан мамлакатимиздаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Маданият вазирилик тизимида фаолият кўрсатаётган, хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва илмий хориждар, соҳанинг салоҳияти етуқ мутахассислари — амалиётчилар билан шакллантириш, республикада мавжуд боларлар муносиб ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда рақс санъатини ўқитиш фаолиятини янада ривожлантириш, рақс санъатининг ижодий, илмий-услубий ва ижро анъаналарини пухта ўзлаштириш ва муносиб давом эттириш, бунда таълим муассасаларига моҳир рақс усталарини бириктириш ва шу асосда "устоз-шогирд" мактабларини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Соҳанинг турдош хорижий олий таълим муассасалари, яъни Москва давлат хореография академияси, А.Я.Ваганова номидаги Рус балети академияси, Қозғоғистон миллий рақс академияси, Беларусь давлат маданият ва санъат уни-

верситетлари билан ҳамкорликда "Хореография санъати" ва "Санъатшунослик" таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг қиссий таҳлили амалга оширилди.

Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ва янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш масалалари танқидий ва таҳлилий жиҳатдан ўрганилди. Бугунги кунда соҳа келажагини янада такомиллаштириш ва ёшларнинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда академия негизида янги "Замонавий рақс" таълим йўналиши ташкил этилиб, янги ўқув йили учун қабул эълон қилинди.

Президентимиз томонидан рақс санъатига берилаётган эътибор ҳамда яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, эндиликда соҳа ривожини янада кучайтиришимиз даркор. Шунча шароит бўла туриб, ташаббускор, илмга чанқок, зукко бўлмасликнинг илоҳи йўқ. Айниқса, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг ташкил этилиши рақс санъати фидойилари ва жамоамизнинг кўп йиллик орузлари ушалишига замин яратди.

"БАҲОР" ҚАЙТДИ

Барчамизга аён, Мукаррама Турғунбоева тимсолида Ўзбек рақс санъатининг бутун жилоси ва жозибаси мужассам. У "Баҳор" рақс ансамблини ташкил қилиб, Ўзбек рақсларининг саҳнага олиб чиқишига ўз хиссасини қўшган. Айтаётган ўттиш жоиз, ансамбль нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машҳур бўлган. Бадий жамоа 30 йиллик фаолияти давомида миллий рақс санъати ривожига дунё из қолдириди. Бироқ мустақилликнинг илк йилларида "Баҳор"нинг ижодий фаолияти тўхтаб қолди. Очигини айтиш керак, бу билан рақс санъатимизнинг мумтоз мактаблари қамрови ҳам камайиб борди. Уни келажакка етказиб бергувчи кўпrik узилди. Гўёки "Баҳор" билан бирга кўп асрлик бой ва бетакор маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳам йўқликка маҳкум бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса Ўзбек рақс санъатига ҳақиқий маънода ҳаёт бахш этди. Қарор билан миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналари, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш, бу борадаги таълим-тарбия ишларини кучайтириш белгиланди.

Миллий рақс санъатида профессионал бадий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, ижодий лабораторияларни ташкил этиш, шу билан бирга, Ўзбек рақс санъатининг "олтин фонди"ни яратиш

мақсадида Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" бадий жамоасининг қайтадан ташкил этилиши чин маънода Ўзбек рақсига баҳорни қайтарди.

ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

Кейинги уч йилда жамиятнинг барча жаҳонларида амалга оширилаётган кенг кўламли оламшумул ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, бой тарихий меросимизнинг изчил ўрганилиши, умрбоқий анъаналаримизнинг қайта тикланиши, илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожини, энг муҳими, юртдошларимиз таваққур тарзининг ян-



гилини билан чамбарчас боғлиқдир. Ахборотлар босими соат сайин ошиб бораётган хозирги глобаллашув даврида маънавий меросимизнинг, хусусан, санъатимизнинг ўтмиши ва бугунги хусусидаги ҳақиқатларни, унга оид аниқ ва тўғри маълумотларни билиш, уларнинг ҳаққоний моҳиятидан келиб чиқиб муносибат билдириш зарурати энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилган.

Миллий меросимиз "Лазги"нинг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номдодий маданий мерос объектлари рўйхатига киритилгани Ўзбек миллий рақс мактабининг жаҳон миқёсидаги эътифодидир.

Яна бир қувонарли янгилик. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида "Лазги" халқаро рақс фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, бундай маданий дипломатия халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустақкамлаш, ижодий ҳамкорлик ва алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади. Зеро, Ўзбек миллий санъати, айниқса, рақснинг инсониятга эстетик завқ, хушқайфият бахш этиш, мамлакатимизнинг гўзал маданиятини жаҳонга ейтиш, халқ дипломатиясини ривожлантиришда аҳамияти беқийсдир. Шундай экан, дунё санъати тамаддунида ўз ўрни ва нуфузи билан эътифод этилувчи "Лазги", "Анджон полъакиси", "Тановар", "Дилхирож" каби Ўзбек рақслари умрбоқийдир.

Шўхрат ТўХТАСИМОВ,
Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори



Халқаро тажриба

Делегациямиз Анқарада



Бебахо мерос

Халқ бахт-саодати йўлидаги жасорат

“Гўрўгли” туркумига кирувчи барча дostonлар оғзаки эпик анъанада якка-якка ижро этилади. Уларда Гўрўгли, Ғирот, Чамбил юрти, Соқибулбул, Ҳасан Кўлбар, Аҳмад Сардор каби анъанавий образлар ўзаро бирлашади.

“Гўрўгли” дostonларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: Жанубий Кавказ ва Яқин Шарқ (Озарбайжон “Кўрўгли”си асосида яратилган арман, грузин, турк, курд) ҳамда Марказий Осиё шакллари (ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, туркман, тожик). Лекин барчасида асосий мавзу озодлик, адолат ва халқ бахт-саодати йўлида курашувчи баҳодир Гўрўглининг жасоратидир.

Марказий Осиё, хусусан, ўзбек шаклида умумлаштириш ва рамзийлаштириш юқори даражага кўтарилган. Ўзбек дostonларида Гўрўгли туркман ва ўзбеклар беги, қонуний ҳукмдор, ўз халқи, ватани учун қайғурувчи ҳамда уни душманлардан ҳимоя қилувчи енгилмас баҳодир, кўплаб ботирларни тарбиялаб, вояга етказган мураббий сифатида тасвирланган.

туғилади. Чўпон Рустамнинг уюридаги бир байтал уни эмизади ва кейинчалик Гўрўгли Рустам ёрдамида шу байталда Ёвмитга қочиб келади.

Туркумнинг илк дostonларида ёш қаҳрамоннинг чилтонлар билан учрашуви, Чамбил юртининг бунёд этилиши, Ёвмит элига хон қилиб кўтарилиши каби воқеалар тасвирланган. Асардаги “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Гулнор пари” дostonлари Гўрўглининг уйланиши ва шу билан боғлиқ қаҳрамонликларига бағишланган. Эпик анъанага кўра, Гўрўглининг икки хотини – Юнус ва Мисқол парилар Кўхикофда Эрам боғида яшаганлар, уларни ғайритабиий кучлар – дeвлар кўриқлаган. Парилар Гўрўглига илгаридан “белгиланган”, “аталган” бўлсалар-да, Гўрўгли уларни машаққатлар, куч ва ақл, фаросату тд-



Пўлкан шоирдан ёзиб олинган “Гўрўглининг туғилиши”, “Гўрўглининг болалиги” дostonларида тасвирланишича, Гўрўгли бобоси Тўлибой синчи Мари юрти беги Қовиштихоннинг ўғли бўлиб, ёшлигида Ёвмит подшоиси Одилюхонга асир тушади. Тўлибой синчи хизматларидан кўнгли тўлган Одилюхон кизи Ойшани унга никоҳлаб беради. Улардан Гўрўглининг отаси Равшан туғилади. Така – Ёвмит юртининг доимий душмани Шохдорхон навбатдаги босқинларидан бирида Равшан, шунингдек, Такатуркман беги Жағлихоннинг фарзандлари Гаждумбек ва Биби Ҳилоллар Зангар юртига асир сифатида олиб кетилади. Зангарда Равшан билан Биби Ҳилол тасодифан учрашиб, бир-бирларини севади ва турмуш қуради. Бу орада Шохдорхон Равшаннинг синчи эканлигини айтиб, бир ҳолвачининг отини мақтайди. Бундан ғазабланган хон Равшаннинг кўзларини ўйдиради. Равшан эса кўр кўзи хунига ҳолвачининг отини тила олади, шу от ёрдамида қайноғаси Гаждумбек билан Ёвмитга қочади. Равшаннинг Зангарда қолган хотини Биби Ҳилол олти ойлик ҳомиласи билан вафот этади. Гўрда ўлик онадан бўлажак қаҳрамон Гўрўгли

биркорлик билан қўлга киритади. Туркумдаги бир қанча дostonларда Гўрўглининг асранди ўғиллари (Ҳасан, Аваз), неваралари (Нурали, Равшан) ва эвраси (Жаҳонғир)нинг қаҳрамонона саргузаштлари ҳикоя қилинади. Бу дostonлар ўзаро муайян туркумчаларни ташкил этади. Ички туркумлар асранди фарзандларнинг олиб кетилишини тасвирловчи дostonлар (“Ҳасанхон”, “Авазхон”) билан бошланади. Ҳасан ва Авазнинг таржимаи холи ҳар бир туркумда муайян ўрин тутади. Ҳасанхон туркумда фақат бир (“Далли”, Авазхон эса кўп яъни “Балогардон”, “Интизор”, “Бўтакўз”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Зулфизар билан Аваз”, “Гулхиромон”, “Маликаи айёр”, “Машриқо” каби дostonларда бош қаҳрамон сифатида иштирок этади. Туркумнинг сўнгги достони “Эрўгли”да Гўрўглининг кексайган даври ва Сулдузи тоғида ғойиб бўлиши тасвирланади. Қисқаси, “Гўрўгли” туркум дostonлари халқ ҳаёти ва турмушини, орзу-умидлари ва улуг ниятларини, маънавий-эстетик олами-ни кенг миқёсда бадиий акс эттирган бебахо мерос саналади.

Х.Н.КАРИМОВ,
Республика бахшичилик санъати
маркази давлат муассасаси
бўлим бошлиғи

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги делегацияси Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Анқара маданият ва туризм бош бошқармаси тақлифига биноан Анқара шаҳрида бўлиб турибди.

Делегация аъзолари сафарнинг биринчи кунини Туркия миллий маданияти ва этнографик музейи фаолияти билан танишиб, ушбу манзилда мавжуд қадимий

экспонатлар, турли тарихий ашёларни яқиндан кузатишди ва саёҳат қилишди. Шундан сўнг, улар Анадули тарихи ва маданияти музейида бўлишиб, бу ерда сақланаётган экспонатларнинг замонавий услубда сақланиши, хизмат жиҳатидан замон талаблари асосида жойлашгани ва пуллик хизматлар соҳасига оид янгиликлар билан танишдилар. Ўзбек делегациясининг Туркия давлатига сафари давом этмоқда.

Аждодлар ибрати



Амир Темур Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда жуда кўп боғлар барпо эттирганини ёзуви ва тарихчилар асарларидан, расмлар қизган миниатюралардан билиб олиш мумкин.

Боғсевар ҳукмдор

Сохибқирон ҳар бир боғини ўзига хос, табиатига мос номлаган. Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Майдон, Боғи Чинор, Боғи Шимол, Боғи Дилқушо ва бошқалар шулар жумласидандир.

Амир Темур айтади: “Шоҳ бўлсангда боғ ярат, гадо бўлсангда боғ ярат, бир кун мевасидан тортарсан”. Менинг бир боғим борки, у Бухородан Самарқандгачадир”.

Дарҳақиқат, Сохибқирон яратган боғлар жаҳон боғдорчилигида алоҳида ўрин тутади. Фирдавмонанд деб аталган Самарқанд тупроғи эски замондан боғлар мамлақати ҳисобланган. Минг йиллар олдин бу тупроққа келган Истархий шундай ёзган экан: “Бирон тепаликка чиқиб, атрофига назар ташлайдиган бўлсак, Самарқанд Сўғдида, шунингдек, Самарқанднинг ўзида ҳам ниҳонингиз кўкаламзорга ва ёқимли жойларга тушади. Унинг яқинида дов-даррахтсиз тоғлар ва чанги фйон ураётган даштлар йўқ. Самарқанд Сўди биз тилга олаётган уч жой орасида энг гўзалидур, чунки у Бухоро чегарасига қадар Сўзд (Зарафшон) дарёси бўйлаб ўнг ва чап томонидан узилмай давом этиб келади. Унинг катталиги шунчаки, у ерда 8 кунлаб юрасан. У ерлар унумдор ерлар. Унда энг яхши хосилдор даррахтлар бор”.

Тарихда Абу Тоҳирхўжа Самарқандий шундай ёзиб қолдирган:

“Самарқандда Амир Темур кўрагон солдирган боғларким, Эрам гулистони рашк қилар даражада, еттита экан”. Лекин сохибқироннинг ҳамма боғлари санаб ўтилмаган. Энг машҳур боғларига тўхталиб ўтамиз.

...Боғи Шимол. Бу боғ халқ ичида Боғи Шамол деб тилга олинган. Ушбу боғ 1397 йилда барпо этилган. Али Яздий ҳам улар ҳақида ёзган. Унинг қайд этишича, бу манзил боғ барпо этилишидан олдин ҳам кўкаламзор жой бўлган. Нуаррих ёза-

ди: “Ҳазрат Сохибқирон обод Самарқанднинг шимолий томонидан барпо этгани Боғи Шимол ном билан машҳур боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сизгудек улкан саропарда (Шохона чодир) курдирди. Унинг дарвозаси олдидаги чодир ҳамда подшоҳ қабулхонаси (барғох) базмлар учун тикилган катта ва кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюларди”.

...Боғи Беғишт Самарқанд ғарбида Малик Туман оғо шарафига 1378 йилда барпо этилган. Ушбу боғ Боғи Шимолнинг жанубий ғарбида жойлашган бўлиб, ундаги жониворлар қафасларда эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор Ғарб тадқиқотчилари Амир Темурни илк кўриқхона асосчиси деб ҳисоблашади.

...Боғи Баланд эса шаҳарнинг шимолида Чўпонота тепалиги ён-бағрида барпо этилган. Амир Темурнинг энг чиройли боғларидан саналган ушбу гўшани яратишда Ироқ, Эрон, Озарбайжондан меъморлар тақлиф қилинган. Боғда табриз мармари билан сарой барпо этилган. Уни сохибқироннинг ўғли Мироншоҳ Отабегим қизига атаб курдирган. Боғга узум, анжир ва олма даррахтлари экилган. Ҳозирги кунгача ушбу боғ Самарқандда анжирзорлари билан машҳур.

...Боғи Дилқушо Самарқанднинг шарқида 1396 йилда барпо этилган. Боғ гўмбазли қаср ва унинг уч тарафида чинорлар билан безатилган. 1398 йил сохибқирон бу боғда Ҳиндистон юришидан олдин катта базм ўнштириб, Амир Ҳизрхўжа Тўқалхонимга уйланган ва боғдаги қасрни ёш маликага атаган. “Зафарномада” ёзилишича, “Боғ ниҳоятда дилқушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, безавол иқбол тили унинг исми жисмига монанд бўлиши учун Боғи Дилқушо деб атади”.

...Боғи Чинор Самарқанд жанубида Дарғом ариғи ёқасида барпо этилган. У ерга кўпроқ чинорлар экилган бўлиб, Боғи Чинор деб аталган. Боғ Мовароуннаҳр ҳокими бўлган Мирзо Улугбек даврида ҳам обод қилинган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 1420 йил ҳукмдор пойтахтдан Ҳиротга келган онаси Салтанат мадҳи Гавхаршодбегим шарафига Боғи Чинорда “подшоҳона тўй ва шохона зиёфат” берган.

Шарқ шоирлари бу гўзал боғларни ва яшил кўкаламзор шаҳарларни бежиз “жаннатмакон”, “фирдавмонанд”, дея таърифлашмаган.

Дилноза ҒАНИЕВА,
Регистрон экскурсоводи



» Янги фильм суратга олинмоқда

“Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман”



Кинематография агентлиги буюртмасига биноан “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК томонидан “Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман” хужжатли фильми суратга олинмоқда. Фильм Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлиб, унда шоиранинг ҳаётлик чоғидаги турли воқеалар тасвирланган. Шунингдек, кинокартинада адабанинг шеърий

миграларидан фойдаланилади.

Мазкур хужжатли асарда Зулфия образининг уч даври кўрсатилади. Унинг болалигини Аниса Мансурова, ёшлик пайтларини Шахноза Ҳожимуродова, катта ёшдаги даврини эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева ижро этмоқда. Сценарий муаллифи Шухрат Ризаев, режиссёр Наврўза Бийназова, оператор Азиз Арзикулов, композитор Жам-

шид Изамов, рассом Сожида Ҳасанова. Картинага Аҳмад Унарбоев продюсерлик қилмоқда.

Кинематография агентлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, адабларимиз ҳаёти ва ижодига бағишлаб суратга олинаётган хужжатли фильмлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида тайёр бўлиши режалаштирилган.

» Мулоҳазали таклиф

Маданиятми ёки маънавият?!

Ҳаётимизда кунда ёки кунора бошқалар билан ижтимоий муносабатларимиздаги тартибсизликлардан нолиб гапирамиз. Бирор жойда навбатда турсак, кимлардир тартибга риоя қилмай асабимизни бузади. Автобусда ёшлар ўзидан катталарга жой бермайди. Айримлар жамоат жойда телефонда баланд овозда гаплашиб, атрофдагиларнинг жигига тегишади. Сухбатдош на эшитишни билди ва на ўз фикрини тушунтиришни... Кўчада дуч келган жойга ахлат ташлаб кетилаверади ва ҳоказо...



Хуллас, жамиятимиздаги муносабатларимиз тобора муаммоларга қоришиб бормоқда. Буларга ҳар ким турлича сабабни рўқач қилиши ва бу бўйича ижтимоий тармоқларда ёки юзмаюз ўз фикрини ҳимоялаб, соатлаб баҳслашиши мумкин. Бугун мана шу муаммоларни, ҳеч бўлмаганида, ёшларда йўқотиш йўлини таклиф қилмоқчиман.

Таклифим айнан мактабларга боғлиқ эканлигини, сиз мухтарам ўқувчи, сезган бўлсангиз ажаб эмас.

Мен юқоридаги муаммоларни бир жиҳат етишмовчилигидан деб биламан. Бу – маданият танқислиги, маданият пастлиги. Ҳа, афсуски, шундай. Буни тан олишимиз керак, кўчада юриш маданияти пастлиги, жамоат жойда ўзини тутатилмаслик, кийиниш этикаларига риоя этмаслик, кичикларнинг катталар, йигитларнинг қизлар билан муомала қила олмаслиги (Дюма асарларида гўзал тасвирланган жентльменлар каби) ва аёлларимизнинг Қодирий қахрамони Қумушбидек баҳсга киришолмаслиги, чет элда кўчада сиратетини ташлаб, 6-7 ёшли ўша ерлик боладан гап эшитган юртдошларимиз ҳолатлари... Бу жуда уятли асида. Барчасига сабабини узоқдан эмас, оиладан, мактабдан излаб, ҳолми айтганидан бўлсак, айнан шу икки муҳитда етарлича олинмаган сабаб – маданият етишмаслигидан, деб биламан буларнинг барини.

Мактаб инсонни шахс қилиб тарбиялашда асосий ўриндаги ижтимоий институт. Уни тамомлаганларнинг ҳаммаси ҳам келгусида олий маълумотли бўла олишмайди. Улар ҳаётнинг турли жаҳбаларига сочилиб кетади, лекин ҳар бир фандан таянч билимга эга бўлиб чиқшади. Шунингдек, мактабда-олинган тарбия ҳам инсон учун муҳим, худди тошга ўйилган нақшдек.

Шу жиҳатдан, биз ўқувчиларга илгари қилган хатоларимизни такрорламасдан, аксинча ҳаётда бутун умр асқотувчи тарбияни, маданиятни синдиришимиз уларнинг келажаги учун фойдадан холи бўлмасди. Шу сабаб, мен мактабларда МАДАНИЯТ дарсларини фан сифатида кириштириш таклиф қиламан!

Тўғри, ҳозир бошланғич синфларда одобнома дари бор. Аввалроқ, яъни биз ўқиган 90-йилларда, адашмасам, бу дарс 5-6-синфларда ҳам ўтилар эди. Ёдимда, ўшанда ҳар бир дарсда ҳаётдаги турли тасодифий ҳолларда инсон ўзини қандай тутиши кераклиги ўргатиладди. Қаранг, таъсири билинганки, шу вақтгача айнан ўша дарс-

ларни эсламан. Ҳозирда эса, афсуски, юқори синфларда бу дарс ўтилмайди. Нима, бугунги ёшларимизда бунга эҳтиёж йўқми? Аксинча, телефонни кўрмаган ўша даврдаги биздек ёшлардан кўра, ҳозирда турли ахборот оқимидан боши айланиб ётган, интернетда “шўнғиб” юрган, ижтимоийлашиб кетаётган авлодга мен айтган дарслар айнан илмий ёндашилган ҳолда жуда зарурдир! Ҳатто айни ёши улғаяётган, хулқ атвори ўзгараётган вақтда ўқувчиларимиз тарбияси учун муҳим!

Ўқувчиларимизга ижтимоий тармоқларни чеклаб қаергача борар эдик?! Наридан, мактабни битиргунча эплаймиз. Мактабни битирдим, дарҳол “кўрмаганимиз кўргани курсин” қабилида ижтимоий тармоққа ёпишади, қўяди. Биз ундан кўра, болаларга ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини тушунтириб берайлик, у оддийгина билим ва тафаккурни ўстиришга хизмат қиладиган восита эканлигига ургу берайлик. Ахир, ҳозир ижтимоий тармоқда баҳслашишни билмаганидан ҳақоратларга ўтиб кетадиганлар кўпайгандан-кўпаймоқда. Ижтимоий тармоқ ҳам реал ҳаётдагидек муомала майдонидир. Бироқ ёшларимиз у ерда қанчалар “маданиятли” эканлигини кўпчиликка кўрсатиб қўяётганини ёлгон, деб кўринг-чи?!

Тўғри, мактабларимизда ўқувчилар юкларини 10 фоизгача камайтиришга топшириқ берилган вақтда янги фани кириштириш қийин вазифа, лекин уни бошқа бирорта фан ўрнига жорий этиш мумкин-ку. Масалан, мактабда ҳар жума куни синф раҳбари ўтадиган “Маънавият” дарслари ўрнига бу фан киритилса, аслида ўша синф ўқувчилари тарбиясида кўпроқ самара берган бўлармиди?! Биласиз, олий ўқув юрларида “Маданиятшунослик” дари ўтилади, демак, бу фан сифатида шаклланиб бўлган. Аллақандай ўз объекти ва субъектига эга. Шунингдек ўқувчилари ёшига мослаб ўтиладиган қилиб режалаштириш ва дастур тузиш қийин иш эмасдир. Ахир, бу фан маълумотлари кундан-кунга ҳаётимизнинг ажралмас муносабатларидан ташкил топган-ку?!

Яқинда ижтимоий тармоқларда “маънавият” атрофида кўплаб тортишувлар бўлди. Баҳса киришганлар маънавиятни ва “маънавиятчи” ларни айблаш даражасигача боришди. Бу тортишувлар юзасидан, ҳатто Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари, депутат Алишер Қодиров ҳам ўз баёноти билан чиқиш қилди. Мен бу баҳсни кузатиб, 27 йил давомида қўлидан кел-

ган ишларни қилаётган “маънавият”чиларга осон эмаслигини ҳис қилдим. Негадир шунча йил мобайнида маънавият улар ўйлаганидек ва кутганидек инсонлар юрагига сингиб кетмаганини кўриб эса “маънавият”чиларга раҳмим ҳам келди. Шунча йиллик ҳаракат, қайсидир маънода, улар кутганчалик кишилар руҳига сингмагани билиниб қолди. Ижтимоий тармоқлардаги изоҳлардан барибир нимадир етишмаётганини ҳис қилдим. Балки, бу маънавиятнинг ўта назарийлаштирилганидан ёки булар-бўлмаста, тўғри келса-келмаса тиқиштирилавериб, оддий халқни зада қилиб юборишгандандир.

Келинг, энди ҳаётни реалроқ нарсалар билан қурайлик, ҳеч бўлмаста, бундан бу ёғига ўта назарийлаштириб юборганимиз – маънавиятни (бутун мактаб даврида 11 йил ўқитиб, мажбуран ёдлатиб, лекин битиргач, ўзи ҳам тушунмаган ҳолда ҳаётга қўйиб юборгандан кўра) тегишли ўринда қўлаб, эндики авлодга ҳаётнинг барча жаҳбаларига доир маданий мулоқотни, маданиятни ўргатайлик!

Зеро, мен МАДАНИЯТ деганда маънавиятдан кам нарсга тушунмайман: суҳбатлашиш маданияти, кийиниш маданияти, саломлашиш маданияти, ўқиш маданияти, ёзиш маданияти, ижтимоий тармоқ маданияти, ватани севиш маданияти, йиғилишда катнашиш маданияти, театрда, кинотеатрда ўтириш маданияти, истироҳат боғида сайр қилиш маданияти ва ҳоказо... Колган ёдимдан кўтарилганларини сиз таклиф қилиб кўринг-чи? Хўш, нечагача давом эттирдингиз? Яна 10 та? 15 та?

Ана, кўрдингизми, маданият дарсида ўқувчиларимизга ўргатиш зарур бўлган мавзулар сероб. Буни сиз ҳам, мен ҳам, гари маънавият ўргатиши лозим бўлган нарсаларни 2-3 тагача билган ҳолда, маданиятга келганда, бемалол, анчагина санай олаймиз. Энди тасаввур қилаверингки, бунга ҳақиқий соҳа мутахассислари киришса, қанчалар кўп маълумотлар билан тўлдириб юборишни.

Шундай қилиб аёизлар, ёшларимиз тарбиясидаги бўшлиқларни тўлдиришни истасак, энг аввало, уларнинг маданиятини жойига келтириб олайлик: мактабда 5-синфдан то 11-синфгача махсус мутахассис ўтадиган “Маданият” фанини қўшайлик, агар бу ишни тизимли ва пухта амалга ошира оلسак, ишонаверинг, ўқувчиларимиз маънавияти ўз-ўзидан жойига тушиб кетади.

Исроил ТИЛЛАБОВ

» Руҳият



Мен ҳамиша ёнингиздаман!

Бедаво дардга йўлиққан инсонга таскин беришдан ўзга чора қолмаслиги ниҳоятда ачинарли. Ҳеч кузатганмисиз, бемор инсонга далда берувчи сўзлар – оддий туюлади, ё умуман тасалли бермайди. Баъзан кўнглига оғир ботиши ҳам ҳеч гап эмас.

Масалан, бемор яқинингизни ҳар кўрганингизда “Ахволлар қалай?” ёки “Ишлар яхшими?” деб сўрайверсангиз, одамнинг жонига тегиши мумкин. Негаки, бу саволни у хар куни эшитиши – шифокорлардан, қариндошлардан, танишлардан, дўстлардан, ҳамкасблардан... Наतिжада у бундай саволдан қарчайди, эзилди.

“Кўринишингиз яхши! Ҳатто касал одамга ҳам ўхшамасиз!” – бу жумла эса қачонки ёлгон бўлмаганда яхши. Агар айтганларингизга ўзингиз ишонмасангиз, бемор ҳам унинг сунъийлигини сезиб қолади. Лекин муолажа ижобий таъсир ўтказмаётганини кўрсангиз – одамнинг кўз остидаги ҳалқачалар йўқолса, унинг лабида табассум пайдо бўлса, бу жумла бебаҳодир.

“Бошқалар ҳам оғир дардга чалиниб, кўрмагандай бўлиб кетишяпти”, деган кўп такрорланувчи жумла ҳам айримлар бошқача тушунади: сиз унинг касаллигини арзимас, кечинмаларини ёлгондакам деб ҳисоблаётгандек туюлиши мумкин. Ва у ўз-ўзидан ранжиб қолади. Чунки ҳар бир одам касалликни ўзига хос бошдан кечирилади. Беморларни бир-бири билан таққослаб бўлмайди – бу мусобақа эмас.

“Ҳаммаси яхши бўлади! Сиз албатта соғайиб кетасиз”. Бундай сўзларни айтиб, беморни умидлантиришга ҳаракат қиласиз, бироқ унинг дарди сурункали, бедаво бўлса, сохта умид берасиз. Шу билан бирга гари ҳолатлар ривож қандай тугашини ич-ичингиздан билиб турсангиз ҳам, унинг аҳоли учун масъулиятни ўз зиммангизга олиб қўясиз.

Яхшиши, шундай деган маъқул: “Сизга қийинлигини биламан. Лекин билиб қўйинг: мен ҳамиша ёнингиздаман!”

Эъзога ТУРГУНОВА тайёрлади.

Кардошлик ришталари

Таниқли
турк актёри
Ўзбекистонда



“Payitah Abdülhamid” тарихий сериалида Таҳсин пошмо ролини маҳорат билан ижро этиб, миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган туркиялик актёр Баҳодир Енишеҳерли ўғли мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилди.
“Ўзбекистон заминидан ислом оламнинг кўплаб улуг алломалари етишиб чиққан. Ижодий лойиҳалар орасида таътил эълон қилинди. Фурсатдан фойдаланиб, улуг зот-

лар мақбараларини зиёрат қилиш, кардошларимиз билан дийдорлашиш ва Ўзбекистон ҳавосидан баҳра олиш умидида меҳмонга келдик”, – деб ёзди Баҳодир Енишеҳерли ўғли ижтимоий тармоқдаги саҳифасида.
Туркиялик меҳмон Тошкент, Самарқанд, Бухородаги тарихий обидаларни зиёрат қилди. Мақбараю мадрасалар зиёрати асносида Имом Мотуридий, Абдуҳолик Ғиждувоий,

Баҳоуддин Нақшбанд каби улуг аллома ва мутасаввифлар, Амир Темури Мирзо Улуғбек каби давлат арбоблари ҳақида эҳтиромга йўғрилган постлар ёзди.
“Азалдан ягона уммат, туғишган биродар бўлган турк ва ўзбек халқлари тарихнинг муайян даврида айро-айро яшади. Эндilikда икки қардош халқ яна ўзаро яқинлашмоқда. Зеро, эт билан тирноқни ажратиб бўлмади”, – дейди турк актёри.

Шижоат

Юксак марралар сари

Инсонларга яхшилик қилиш, ёшларнинг эзгулик йўлида юришига бош-қош бўлиш, ҳар томонлама ёрдам бериш юксак фазилатдир. Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини Нукус филиалида ҳам ёшлар иттифоқи ўз фаолиятини бошлаб, ҳозирги кунга қадар самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

2017 йил филиалимизда бошланғич ташкилот етакчиси лавозимига талабалар орасида сайлов ўтказилди. Ўзининг етакчилик лаёқати, фаоллиги билан кўпчилиكنинг назарига тушган Жеткер Бердимуратовни барча бир овоздан бошланғич ташкилот етакчиси лавозимига сайлади. Бугун маданият ва санъатимизнинг ёш қалдирғочлари юксак чўққиларни забт этишига туртки бериб, уларни ҳар томонлама руҳлантираётган мутахассис Жеткер Бердимуратовнинг намунали меҳнат йўлига назар ташлашни маъқул кўрдик.

У 1987 йил 17 июлда Чимбой туманида зиёлилар оиласида дунёга келган. Ўрта мактаб ва коллежни муваффақиятли тугатиб, 2009 йилда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтига қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради.



2013 йил ўқишни тамомлаш арафасидаги тиришқок талабани институт жамоаси факультет декани котиби лавозимига ишга олиб қолади. Жеткер ўз тажрибасини ошириш учун 2015 йилда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалига ишга киради. Ҳар ишда ўз салоҳиятини яхши намоян қилган Жеткер Бердимуратов ёшлар билан ишлашда ҳам педагогик, ҳам ташкилотчилик маҳоратини кўрсатиб, уларнинг суянчига айланиб улгуради. Бугунги кунда у Ажиниёз номидаги НДПИнинг магистратурасида 2-босқич талабаси.

Инсон оиласида бахтли бўлса, кўнгил хотиржамлиги туфайли иш фаолиятида янги марраларни забт этади. Жеткер икки фарзанднинг меҳрибон отаси, рафиқасининг сеvimли ёри, суянган тоғи. Умр йўлдоши Гулмира Икметуллаева Нукус шаҳридаги 32-мактабнинг тажрибали ўқитувчиларидан.

Филиалимизда Жеткернинг ташаббуси ва ҳомийлигида “Заковат”, “Йил талабаси”, “Меҳр ва мурувват”, “Ёшлар – келажак бунёдкори”, “Ижтимоий ёрдам”, “Китоб мендан совға”, “Қувноқлар ва зукколар” номли маданий-маърифий, саховат кўрсатиш тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

– Президентимиз Ш.Мирзиёев юртимиз зиёлилари билан учрашувида “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали муваффақиятли фаолият кўрсатяпти” дея юксак ишонч билдирдилар. Биз бу ишонччи оқлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз, – дейди Жеткер Бердимуратов.

Ижодкор ёшларни илҳомлантириб, уларга шижоат билан хизмат қилиш олий саодатдир. Шундай экан, биз ҳам Жеткер Бердимуратовнинг ишларида омад ва янги марраларни забт этишини тилаб қоламиз.

Асилбек ҚОЛҚАНАТОВ,
ЎЗДСМИ Нукус филиали талабаси

Мозий ҳақиқатлари

XX асрдаги улкан қурилишлардан бири бўлган ва Марказий Осиё халқларининг турмуш даражасини яхшилаш борасида туб бурилиш ясаган Катта Фарғона канали тарихи барчамиз учун қизиқарли ва шу ўринда муҳим аҳамиятга эгадир. Сабаби у асосан инсон меҳнати, қўл кучи билан бунёд этилган Фарғона водийсидаги энг йирик гидротехник иншоотлардан биридир.



Қирқ беш кун

Аслида одамлар қадим-қадимдан ҳаёт учун зарур бўлган сув манбааларини бўйсундириш учун канал қазиб, ариқ чиқариб, ерларни ўзлаштириш билан шуғулланиб келишган. Ўлка аҳолиси деҳқончилик қилар экан, доимо сув танқислиги, сугориш иншоотларининг камлиги туфайли унумдор ерларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бир неча асрлар мобайнида қамиш босиб ётган ботқоқликлар ҳамда қум барханлари ўрнида экинзорлар, боғлар ва тоқзорларни яратиш пайида бўлган. Катта Фарғона канали ҳам водийда қурилган энг йирик гидротехника иншоотидир. У 1939 йил 1 августдан халқ ҳашари йўли билан бошланган. Канал жуда қисқа муддатда – 45 кунда қуриб битказилган. Шундан кейин 1940 йили Тожикистон худудига қараб яна узайтирилади. Халқ ҳашарида 180 минг нафар ишчи ва деҳқонлар ҳамда 3000 муҳандис-техник ходимлар қатнашган. Унинг 283 км. қисми Ўзбекистон, 62 км – Тожикистон ва 13 км – Қирғизистон худудидан ўтади. Водийни шимоли-шарқдан жануби-ғарбга кесиб ўтган. Асосий узунлиги 350 км. Вегетация даврида Норин, Қорадарё, Сўх дарёларидан сув олади. Канал трассаси 2 трактдан иборат. Юқори Норин тракти – 44 км. У Учқўрғон шаҳри яқинидаги Норин дарёсидан бошланиб, Куйган ёргача етиб боради. Куйи Қорадарё тракти – 301 км. Қорадарёга қурилган Куйган ёр тўғонидан бошланиб, Сирдарё билан даярили параллел жанубдан Тожикистон Республикаси Хўжаанд шаҳри яқинидаги Қайроққум сув омборидан куйроқда давом этган.

Ўшбу канал туфайли Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон худудидagi 500 минг гектар сугориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди. Янги ерларни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлди. 270 км.ли трассада 17,8 млн. м³ тупроқ қазиб чиқарилди, бундан фақатгина 1,7 млн. м³ тупроқ механизмлар ёрдамида қазилган. Ишлар оғир бўлган участкаларда 14та экскаватор, 245та трактор, 420та автомашиналардан фойдаланилди. 42,2 минг м³ бетон ишлари бажарилган. 45та йирик ва 275та майда гидротехника иншооти қурилди.

Катта Фарғона канали 1953 – 1962, 1964 – 1967 йилларда реконструкция қилинди. Узунлиги 345 км.га сув сарфи 180 м³/с, энг жадал сув сарфи 211 м³/с.га етказилди. Каналда 1000 дан ортиқ гидротехник иншоот, шулардан, 50таси йирик 9 тўғон максимал ялли сув чиқаргич, 7та ташлама, 8та акведук барпо этилган. Ундан транспорт ўтиши учун 101та кўприк қурилган. Сел, тошлоқ ва сугориладиган майдонлардан чиқадиган дренаж сувларини оқизиб юбориш учун каналнинг чап томонидан коллекторлар ўтказилган, ўнг томонидagi дренаж сувлари эса канал остидан ўтган 170та дукер қувур орқали коллекторга уланган.

Канал суви Ўзбекистонда 3 вилоят (Анджон 66,6 мингга, Наманганда 12 мингга, Фарғонада 125 мингга), Қирғизистоннинг Ўш вилояти (0,76 мингга) ва Тожикистоннинг Сўд вилояти (10 мингга)даги ерларни сугоришга фойдаланилди.

Республикада сув ҳўжалиги халқ тармоқларидан бири сифатида шаклланди



ва аҳоли ҳамда халқ ҳўжалиги тизимида мелиорация қурилишини қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги “Ўзсувқурилиш” давлат концерни олиб боради. Катта Фарғона канали қурилишида ўша даврнинг машҳур санъаткорлари Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Гавҳар Раҳимова ва бошқалар елкама-елка бирга ишлаб, ҳалол меҳнат қилаётган хашарчиларни маданий хизмат кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлаганлар. Эндilikда Ўзбекистон боғ-роғларини гуллаётган, эл дастурхони тўқин бўлиши учун ҳосилдор ерларни сув билан таъминлаётган Катта Фарғона канали ўзбек халқининг чин маънодаги миллий бойлигига айланганига шак-шубҳа йўқ.

Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида Малик Қаюмов суратга олган кинокадрларда кетмон чаптаётган минглаб меҳнатқашлар армияси акс этган. Ўзбек совет энциклопедиясининг Катта Фарғона канали қурилишини пуштирган арсонага айлантирганлардан бири ёзувчи Саид Аҳмад бўлади. У “Уфқ”, “Қирқ беш кун” асарларида совет кишиларининг ўз азми ихтиёри билан канал қазганини мадҳ қилди. 1966 йил каналга қурилиш ташаббускорларидан бири бўлган давлат арбоби Ўсмон Юсупов номи берилган. Фарғона каналининг очилиш кунини жуда тантанали равишда нишонланган. Унда халқ севган санъаткорлар ва фан арбоблари иштирок эттишган.

З. ҲАЙДАРОВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Уқин!

Узоқ умр кўриш сири



Узоқ яшаш кўп нарсаларга, хусусан, генлар, тўғри овқатланиш ва турмуш тарзи каби омилларга боғлиқ. Бироқ яқинда якунига етган хориз тадқиқотида ишонадиган бўлсак, булар қаторига оддий, бироқ жуда фойдали бир машғулоти ҳам қўшиб қўйиш мумкин. Бу ерда гап мутулаа ҳақида борапти. 12 йил давом этган тадқиқот доирасида мутахассислар 2,6 мингдан зиёд пенсионерни ўрганишган. Олинган маълумотлар асо-

сида улар уч тоифага ажратилган: умуман китоб ўқймайдиганлар, ҳафтасига 2,5 соатдан ортқ ҳафтада 3,5 соатгача мутулаа қиладиганлар.

Натижалар қизиқ: китоб ўқийдиганлар орасида умр кўриш давомийлиги қарийб икки йилгача кўпроқ. Камига, мутулаа қилувчилар орасида ўлим хавфи эҳтимоли 20 фоиз пастроқ, дея таъкидлашмоқда олимлар. Ўзаро солиштирилганда: ҳафтасига 3,5

соат вақтини китобга ажратувчилар орасида ўлим хавфи эҳтимоли 17 фоиз пастроқ. Тадқиқотда иштирок этган энг ашаддий китобхонлар орасида 12 йил давомда ўлим эҳтимоли 23 фоизга камайган.

Нимани ўқишга ҳам эътибор беринг! Узоқ умр кўришга номзодлар газетхон-журналхонлар эмас, балки китобсеварлардир. Олимлар буни китоб ўқиш одамнинг диққатини кўпроқ жамлаши билан боғламоқда.

Маънавият сабоқлари

Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг "Най ноласи" шеърий байти қуйидагича шарҳланади. "Одамзод ўз нафси ҳавас-ҳавоси билан ҳамма кўргулик, яхши-ёмон сифатларга гирифтор бўлади. Иймонли кишининг барча машғулотида осудалик, хотиржамлик, сабр устун туради. Аммо нафс туфайли кўнгилда пайдо бўлувчи иштиёқ қармоққа илинган ўлжадир. Нафс инсонни ҳар мақомга солади, ундан сабр туфайли халос бўласан". Дарҳақиқат, кимки нафсининг оғзини тиндирса, шундагина нафс уни саргардонликдан тиндираркан.

Нафснинг балодир...



Маълумки, нафс кишига турли ҳолатларда кўринади – ширин таом, гўзал аёл, бежирим либос, тилла тақинчоқ, машина ва ҳоказо. Шайтон қўйига осон алданувчи кимса унинг қомига тушиб қолиши мўжаррар. Нафс одамни одамгарчиликдан чиқаради, кишилар орасида шарманда шармисор қилади, энг ёмони икки дунёни ҳам қўйдирди.

Ҳафиза эрининг топганига қаноат қилмай бозорга чиқди. Тил забони дадил аёл эди тез орада ўзини ўнглаб олди. Бир-икки сўм ошириб, гапи ҳам ўнг бўлди. Аввалига кийинишида, кейин юриш-туришида ўзгариш кўзга ташланди. Нафсининг қўйига кириб, пул орқасидан қувиб ўзлигини унутди. Эри ва болаларидан узоқлашди. Бозорчи дугоналари билан ким ўзарга тўғилган кун, байрам, зиёфат, дам олишу саёҳатлар уюштирди. Ўзи пул топгани учун дадил сарфлайверди, эрига ҳисоб бермади. Савдодаги дугоналари машина минганида улардан қолиш ярамайдди. Энди икки хисса ишлаб, машина учун пул йиға бошлади. Сенинг уйинг борми ёки бозорга қапа тикканмисан? Бундоқ фарзандларинг ҳолидан хабар олсанг бўлмайди? Мени-ку бор-йўқлигим сенга барибир – деб зорланган эрига, – рўзгорга қарашсам, болаларингизни ўзим кийинтирсам, яна нима қилишим керак – деб кескин жавоб берди.

– Ахир, уларни фақат кийинтириш, едирш билан иш битмайди-ку, кўнглига ҳам қараш, сирдош бўлиш керак эмасми, демоқчи бўлди, аммо фойдаси йўқ, чунки Ҳафизанинг дийдаси тош қотган эди.

Хуллас, машина учун керакли пул йиғилди. Энди оппоқ, ёғи артилмаган "Нексия" олади. Дугоналари "Матиз", "Спарк" ҳайдаганда нега "Нексия" минмасин, улардан кам жойи йўқ. Хали кўрсатиб қўяди кимлигини. Унинг машина олмоқчи эканлигини билиб ёрдамчилар ҳам топила қолди. "Паспортингиз билан пулни берсангиз бас, узоғи билан бир ойда оқ тулпорингиз келадди" – деб пинжига кирди йиғитлар. Шу бозорда таниган уяхонларининг дўстлари экан, алдаб кетармиди?... Нима қилиб бўлса ҳам, тезроқ олса бас.

Орадан бир ой, уч ой, етти ой, ҳатто бир йил ҳам ўтдики на машинадан, на пулдан дарақ бор. Йиғитлар Ҳафизани чув тушириб, ғойиб бўлишганди. Катта микродарга пулдан айрилган аёл диққати ошганидан эси кирарчиқар бўлиб қолди. Уни руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишди. Мана уч йилдирки, у "Оқ тулпоримни топиб берларинг", деб жанжал қилади.

Ҳа, кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидир, Ҳафизанинг тақдири шундай бўлди. Инсон тирик экан нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай душманки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Нафс шундай такаббурки, кибру ҳаво унинг ҳамроҳидир.

Баҳоидир фабрикага директор бўлди-ю, ўзгарди қолди. Нафсининг биринчи шартти емоқ-ичмоқлик бўлса, иккинчиси кибру ҳаво экан. У бизнинг ичимизга шундай изнсиз кирадикки, ҳатто сезмаймиз ҳам. Баҳоидир камтаргина йиғит эди, отаси мактабда ўқитувчи, онаси боғча тарбиячиси бўлган, ҳалол ризқ билан улғайган болалар эди. Лекин Баҳоидирнинг ўзгарганига ҳамма хайрон. Раҳбар бўлгач атрофида дўстлари кўпайди, соясига салом берувчилар, остонасига ёрдам сўраб келувчилар сони ортди. Бу эса ўз-ўзидан унинг кибру ҳавога берилишига туртки бўлди. Отасининг насиҳатлари, онасининг зорланишлари кор қилмади. Нафс ҳақалак отиб, сўнгги русумдаги машина минди, ота холини ташлаб, шаҳардан данғиллама участка сотиб олди. Нафс сира бас қилмади, баъзан чиройли аёллар билан вақтини чоғласа, баъзан шохона зиёфатлар, орада иш бахона сайру саёҳатлар дилини яйратди. У сира нафсига ҳоким бўлолмади. Назарида бу узоқ давом этадигандек эди. Аммо ҳар бошланган нарсанинг охири бўлгани каби ақли нафсига хизмат қилган Баҳоидирдан омад юз ўгирди. Автохалокатга учраб, бир умрга ногиронга айланди.

Хеч ўзингизга савол берганмисиз, нафснинг энгши мумкинми? Енгши мумкин, агар иродангиз мустаҳкам бўлса, шайтонга бас кела олсангиз, кўнглингиз суут кетишидан сақлангансиз.

Бир аёлни биламан, турмуш ўртоғи ҳафтот этган. Тўрт нафар фарзандни ёлғиз ўзи обёкка қўйди. Асли касби педагог бўлган аёл кундузи ўқитувчилик, кечалари тикувчилик қилиб, ҳалол ризқ билан фарзандларини ўқитди, олий маълумотли қилди. Икки қизни узатиб, бир ўғлини уйлантирди. Энди кенжағойига навбат. Аёлнинг қувончи ичига сиймайди. Шу кунларни раҳматли турмуш ўртоғи кўрганда

қандай яхши бўларди. Нима бўлганда ҳам уларнинг ёнига ёруғ юз билан боради. Ахир, фарзандларини яхши инсонлар бўлиб вояга етиши, иймонли, инсофли, маънавияти бутун бўлиши учун меҳнат қилди. Мана бутун икки қизи ҳам бахтли, келини тиллоларга алишмайдиган, олти нафар набираси бор. Кенжа ўғлини уйлантириш учун қанча хонадон эшигини қоқмади. Аёлнинг кўнглини хира қилгани ўша хонадон эгалари қизларини бойбадавлат оилага узатиш ниятини билдиргани бўлди. Охири бир қиз кўнглига ўтиргандек туюлди. Ўғлига ҳам маъқул келди, аммо иккинчи учрашувда қизнинг бриллиант ёқтиришини, баянд қаватли уйга келин бўлишни истамаслигини, тўйдан кейин чет эл сафарига боришни, тўйни энг қиммат ресторанда ўтказишни хохлаётгани ойдинлашди.


Нафси ҳақалак отган қизнинг ҳою-ҳаваслари йиғитни довдиратиб қўйди. Хали хонадонига келмай шунча талабар қўётган қизнинг эртага яна қандай ҳунарлар чиқаришини ўйлаб, унга уйланишдан воз кечди. Агар билса, ўша қизга бахтининг ўзи нақд бўлиб турганди. Чунки кўплар бу оилага ҳавас билан қарарди. Йиғит ҳам ўқимишли, ҳам келишган, ҳам ақлли эди. Бутун афсуслар исканжасида қолган қиз ўз нафсидан нафратланаётгандир, эҳтимол.

Бир-бирига ашаддий ёв бўлган икки киши ҳаммаша бир-бирига тиш қайраб юраркан. Уларнинг бири майхўр экан. Охири рақибининг шу камчилигиндан фойдаланибди. Бир кун унга дўстона ҳолда мурожаат этиб, қадимий бир асраб юрган майи борлигини айтиб, меҳмонга тақлиф қилибди. Майхўр эса унинг душман эканлигини ҳам унутиб розилик билдирди. Нафсини енга олмаган майхўр душман кўлида халок бўлибди.

Бизлар яшаш учун қурашар эканмиз, ҳаммаша нафс билан жиҳод қилишимизга тўғри келади. Жисмиимиздаги илдиэ отган, қуртак ёзаётган нафсини маҳв этиш учун ҳар кун, ҳар соат ва ҳар лаҳзада курашмоғимиз лозим экан. Акс ҳолда нафснинг балодир, ўтдан чўкка солидир, – деган афсусдан бошқа чора қолмайди. Нафсини енгган инсон эса ҳалоллик, поклик, фозиллик ва комиллик сингари улуг мақомларга эга бўлади. Нафсининг қули бўлиб қолмаслик саодати ҳаммамизга насиб этсин!

Феруза ОРИПОВА

Илк қадам



“Бадий атамалар луғати”

Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти “Эриелл Гроуп” халқаро нефт конларига хизмат кўрсатиш гуруҳи кўмағи билан китобхонлар учун янги нашр – “Бадий атамалар луғати” концептини уч тилда тақдим этмоқда.

Ишончимиз комилки, китобхонлар Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти лойиҳаси доирасида чоп этилаётган янги кито 5 – “Бадий атамалар луғати” да жамланган билимлар тўпламига қайта-қайта мурожаат қилишади. Ушбу лойиҳа амалий аҳамиятга эга бўлган энг фойдали лойиҳалардан бири: у “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” туркумига оид нашрларнинг луғат маълумотларини тўплаш билан бир қаторда, санъат ва маданият олами бўйлаб саёҳатингизни янада ёқимли қилиш учун янги муҳим билимлар тўпламини ҳам тақдим этади!

“Ўзбекистоннинг маданий мероси дунё тўпламларида” туркуми доирасида чоп этилган 35 жилдининг деярли ҳар бирига тасвирий ва декоратив санъатнинг ҳар хил турлари билан боғлиқ тушунчаларни ўз ичига олган луғат илова қилинган. Мазкур лойиҳа доирасида тайёрланган материални ушбу луғатнинг дастлабки манбаси сифатида таърифлаш мумкин.

Луғатнинг ўзига хос хусусияти: унда асосан Ўзбекистоннинг анъанавий санъати билан боғлиқ атамалар келтирилган. Шунингдек, нашр этилган жилдлардан ўрин олмаган янги атамалар ҳам бор.

Материални тушунишда қийинчиликлар юзага келмаслиги учун луғат таркибига киририлган атамаларнинг аксарияти фотосурати билан бирга келтирилган.

Бу Ўзбекистоннинг бадий мероси билан боғлиқ атамаларни умумлаштириш ва изоҳлашга қаратилган биринчи уринишдир.

Мазкур лойиҳанинг тадқиқот ташаббуслари Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга қаратилган. Бу ҳақда “Ўзбекистон маданий мероси лойиҳаси” телеграм канали маълумот бермоқда.

Хорж хабарлари

Машхур мерос хавф остида



Хорж наشري "Guardian" берган маълумотта кўра, машхур Стоунхенж Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатидан чиқарилиши мумкин. Негаки, бу турдаги ёдгорликларни химоя қилувчи ЮНЕСКО ташкилоти 2022 йилда Стоунхенжни йўқолиб кетиш хавфи остидаги объектлар рўйхатига қўшишни режалаштирган. Сабаби — қадимий "тош ҳалқа" ёнида автотуннел қурилиши лойиҳалаштирилган.

Англиянинг Уилтшир графлиги худудида жойлашган Стоунхенж — жаҳондаги энг машхур меъморчилик ёдгорликларидан бири саналади. Тик харсан тошлар бир нечта ҳалқа кўринишида жойлаштирилган. Ушбу ёдгорлик ва унинг теварақ-атрофи 1986 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган эди. Албатта, қадимий ёдгорликни қутқариш имконияти йўқ эмас. Бунинг учун А303 шоссесининг Стоунхенждан 100

метр наридан ўтадиган қисми режасини ўзгартириб, йўлни узайтириш ва туннелни чуқурроқ қазиш керак. Аммо бу кўшимча молиялаштириш дегани, шу боис ҳукумат ҳозирча режани ўзгартиришга кўнмаяпти. Аввалроқ ЮНЕСКО Ливерпулнинг порт қисми ва тарихий марказини ўз рўйхатидан ўчириган эди. Чунки у ерларда катта қуриллишлар бўлган, хусусан, 52 минг ўринли стадион қад ростлаганди.

Дунё маданияти

Британия музейидаги Улуғбек пиёласи

Буюк Британия музейининг "Ал-Бухорий" ислом дунёси галереясида сақланаётган машхур "Улуғбек пиёласи" ҳар бир ўзбекистонликнинг гуруридир. Тахминларга кўра, ундан машхур математик ва астроном, Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли, 1400 йилларда Самарқандни бошқарган Мирзо Улуғбек фойдаланган.

Мазкур пиёла зайтун-яшил рангли нефритдан ясалган, унга Улуғбек Кўрагон исми ва унво-ни араб ҳарфларида ўйиб ёзилган. Идишнинг дастаси пиёла четини тишлаётган хитойликлар тимсолига айланган шохсиз аждаҳо — "Чи Лонг" хайкалчаси билан безатилган. Пиёла четидаги ёриқни ёпиб турувчи кумуш пластинкага ўйиб ёзилган туркий ёзув Аллоҳнинг марҳаматини мадҳ этади, яъни "Аллоҳнинг марҳамати чексиздир", дея таржима қилинади.



Улуғбек фойдаланган бу пиёла 1959 йилда Британия музейи 50 фунт стерлингга сотиб олган.

Айрим маълумотларга кўра, пиёла XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда маҳаллий ҳунарманд томонидан яратилган. Темурийлар нефритни ёқтиришган, уни ғалаба тоши деб ҳисоблашган. Ундан ханжа-р туткичлари ва бошқа ҳарбий асхаларнинг ясашда фойдаланишган. Темурийлар давридаги нефритдан ясалган ўймакорлик асарларининг аксарияти, афсонавий тошга меҳр қўйган Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги билан боғлиқ. Жумладан, Ёри Амрдаги ашиқ нефритдан ясалган тошни ҳам Самарқандга айнан Мирзо Улуғбек олиб келган.

"Ўзбекистон маданий мероси лойиҳаси" телеграмм каналида келтирилишича, Улуғбек пиёласи бу вақт ва макондан ташқарида бўлган бебаҳо объектдир. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё маданияти учун қадри ҳисобланади.

Табаррук маскан

Ҳар бир халқнинг маданий ва маънавий ҳаёти — аждодлар мероси, урф-одатлари ҳамда эзгу қадриятлари, муқаддас анъаналари билан йўғрилган ғоявий ҳамжиҳатлигида намоён бўлади. Улар замирида буюк куч ва интилиш, энг асосийси, ватанпарварлик хисси мужассамдир.



Водил —

"Очиқ юрак" ўлкаси

Ватанга муҳаббат ва садоқат хисси вужудига синган муътабар зот — Ҳазрати инсоннинг ҳаёт мазмуни эса ана шундай эзгу амаллардан иборат. Унинг қалбида ўзи яшаётган муқаддас туپроқда истикомат қилган сиймолар тимсолида миллат номи билан аталувчи юрт гавдаланади. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам "Ким бизнинг қудратимизни билмоқ истаса, биз қурган иморатларга бир назар солсин", деб бежиз айтмаганлар.

Бугун биз тилга оладиган Водил қишлоғи ҳам узоқ тарихга гувоҳ ўлка. У Фарғона туманининг маъмурий маркази бўлиб, Помир-Олой тоғ тизмасининг шимол-ий ён-бағрида жойлашган. Худуд шимолдан жанубга 12, ғарбдан шарққа 10 километрни ташкил этади.

Водил қишлоғи қадим тарихга эга бўлиб, хатто Олой тоғи этаклари аҳолисининг бронза давридаги ҳаётини исботловчи топилмалар қазиб олинган. Бу ҳақда 1974 йил И.М.Мўминов тахрири остида нашр қилинган "Ўзбекистон тарихи" китобида келтирилган. У даврда аҳоли асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. В.А.Парфентевнинг 1904 йилда чоп этилган "Селение Вуадил" рисоласида илк Водил халқи турли тилларда сўзлашгани таъкидланади. Кейинчалик тоғ этакларига Жанубий Сибирдан кўчманчи қабилалар келиб ўрнашди. Улар асосан чорвачилик билан шуғуллангани учун яйлов излаб, тоғ томонларга юришди. Вақт ўтиб эса Қашқардан хитойликлар таъқибига учраган хина авлодлари келиб ўрнашиб, маҳаллий халқ билан аралашиб кетишган. V — XI асрларда Пўлгондан то Мингдонгача чўзилган катта шаҳар — Водил гуллаб-яшнаган. Сўнг мўғуллар истилоси даврида вайрон қилиниб, инкирозга юз тутганлиги ҳам таъкидланади.

Бундан қарийб 400 йил аввал Самарқанд томонлардан мин авлодига мансуб халқлар келиб ўрнашган. Водил ерлари Қўқон хонлиги томонидан уларга тортиқ қилинган. Бу авлоднинг Сайидқўлбек, Ирисқўлбек исми беклари Қўқон хонлигида катта ҳурматга эга бўлишган.

Кейинчалик, аниқроғи, XIX асрнинг 30-йиллари-га келиб, ушбу авлод беклари Чакаликни қирғизларга, Водилдаги ерларни водилликларга сотиб, ўзлари Қўқонда кўним топишди. Бу даврда нарх-наво — 30



пуд жўхори 0,40 тийин бўлган.

Водилнинг табиий шароити деҳқончилик қилишга қулай бўлганлиги учун Қоратегин, Матчо ва Исфара томонлардан ҳамда атроф қишлоқлардан кўчиб келган одамлар маҳаллий халқ билан иноқ яшаганликлари маълум. XIX аср охири, XX аср бошларига келиб, Водилда 528 та хўжалик, 2524 нафар аҳоли бўлган.

Энди худуднинг Водил деб аталишига тўхталсак, Маннон Эгамбердиевнинг 1988 йилда чоп этилган "Сариқ аждарҳо хамласи" номли тарихий романида миллоддан олдинги II-1 асрларда қадимги Хитой империясининг Фарғона водийсига bosқинчилик юришларига қарши маҳаллий халқларнинг мардонавор курашлари тўғрисида ҳикоя қилиниб, водилликлар ҳам тилга олинган.

"Водил" сўзининг дугавий маъносини В.А.Парфентев ўзининг "Селение Вуадил" рисоласида "Во — очик, дил — юрак" деб изоҳлайди.

Эроншунос олим И.Ягеллонинг "форсча-арабча-русча" луғатидаги хулосаларига асосланиб фикр юритсак, "Водил" сўзи қадимги форс тилидан олинган бўлиб, "Дил очувчи жой", деган маънони билдиради. Бу ҳақда водиллик олим Х.Узоқовнинг 1965 йили ёзган "Жанубий Фарғона шевалари" монографияси, 1995 йил туман рўзномасининг №1,-5,-9,-12-сонларида босилган "Қишлоғим тарихи — аждодларим қадрияти" номли тарихий-публицистик очерки ва С.Сайфуддинованинг 1974 йилда ёзилган "Ойдин йўл"



очеркида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан, Водил ўзининг шўх оқар сойларини зилол булоқлари, сўлим табиати, мусалфо хавоси, шириндан шакар узуми, анор, анжир ва ўриклар фарқ пишган боғлари билан қадимдан одамларни ўзига мафтун қилиб келган. Бу ерга қадам ранжида қилган киши борки, дили яйрайди. Шунинг учун у "Вохдил" деб аталган бўлса керак, деган қарашлар ҳам бор.

Водилнинг бундай файзли ва тароватли бўлиши сабабларидан бири Шохимардон дарёсининг қишлоққа ўтиб, Арабтепе, Қораянтоқ, Каптархона, Чинорарик, Чимён, Файзиобод ва Марғилон сойларига бўлиниб кетганидан бўлса керак. Ушбу ирмоқларнинг қонтомир каби қишлоқдан оқиб ўтиши ўзига хос хуш тароват касб этади.

Водилнинг сўлим истироҳат боғида ёши тахминан минг йилларга тенг азим чинор савлат тўкиб туради. Бу чинорнинг донги бутун Турон юртига маълум бўлган. Водилга қадам ранжида қилган ҳар қандай меҳмон уни бир томоша қилиб, соясида бир лаҳза бўлса ҳам ҳордиқ чиқармаса, кўнгли жойига тушмайди. Бир туپ чинор тубидан катта-кичик бўлиб тўққизта тана дарахт ўсиб, бир-бири билан рақобатлашаётгандай осмонга буй чўзиб, ўз гўзаллигини намоён этиб тургандай. Чинор танасининг куйироғида 7-8 чоғли одам давра қуриб ўтирса, сизгадиган даражада бўлган. Ўтган асрнинг 30-йилларида Мурғойиб эшон деган девона сифат одам шу чинор остида яшар эди.

Чинорнинг пастки томонида катта жоме масжиди, боғнинг юқори томонида мадраса ва толиби илмларнинг ҳужралари бўлиб, мадрасада илм олувчилар вазибаларини шу чинор остида, соя-салқин жойларда бажарар эдилар. Бугун азим чинорни томоша қилгани келувчи ҳар бир одам Хўжа Аҳмад Валлий мақбарасини зиёрат қилиб, чойхоналарда бир пиёла чой ичиб, Аллоҳ берган неъматларга шукроналар айтиб ўтса, кўнгли таскин топади. Ушбу азим чинор бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳимоя қилиниб келинмоқда.

Ш.АЗИЗОВА, М.АЗИЗОВ, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари

<p>МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p> <p>МУАССИС: "Dildosh media" МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик</p> <p>Бош муҳаррир: Дилбаҳор Худойбердиева</p> <p>Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p> <p>Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. "Маданият" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Нашр учун маъсул: Ш.Исроилова</p> <p>Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева</p> <p>Навбатчи: Н. Содикова</p> <p>Адади - 7864 Буюртма - Г - 717</p> <p>Сотувда келишилган нарҳда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p>	<p>Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси bosмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.</p> <p>Бosмахонага топшириш вақти - 01.00</p> <p>Топширилди - 01.30</p> <p>1 2 3 4 5 6</p>
--	--	---	--